

ОХИРГИ ЗАРУРАТ ВА ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИ УШЛАШ ВАҚТИДА ЗАРАР ЕТКАЗИШНИНГ ЎХШАШ ВА ФАРҚЛИ ТОМОНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ЖКда охирги заруратдан ташқари мазкур кодекснинг 35-моддасида санаб ўтилганидек, кам аҳамиятли қилмишлар (36-модда), зарурий мудофаа (37-модда), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш (39-модда), буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш (40-модда), касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик (41-модда), жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида қилмиш содир этиш (41¹-модда) каби қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатлар ўрнатилган. Расмий жиҳатдан санаб ўтилган ҳолатларда жиноятнинг таркиби мавжуд бўлса-да, уларда жиноятнинг у ёки бу белгиси бўлмаганлиги қилмиш содир этган шахсни жавобгарликка тортиш имконини бермайди.

М.Х. Рустамбоев Жиноятнинг белгилари сифатида қуйидаги тўрт белгини санаб ўтади:

- 1) ижтимоий хавфлилик;
- 2) айбнинг мавжудлиги;
- 3) ҳуқуққа хилофлилик;
- 4) жазога сазоворлик^{280 281}.

Биз таҳлил қилаётган мавзу юзасидан айнан охирги зарурат ҳамда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш ҳақида сўз юритадиган бўлсак, охирги заруратда юқорида санаб ўтилган жиноят белгиларидан ижтимоий хавфлилик ва айбнинг мавжудлиги расман кўриниб турган ҳолда ҳуқуққа хилофлилик белгиси бўлмайди. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш ҳолларида эса, қилмиш айбли ва ҳуқуққа хилоф бўлса-да, унинг ижтимоий хавфлилиги бўлмайди. Кўриниб турганидек, жиноят қонунида келтирилган қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи ҳолатларнинг барчаси ўзига хос жиҳатлари билан бир-биридан фарқланади.

²⁸⁰

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

²⁸¹

Рустамбоев М.Х., Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси Том 1. Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр тўлдирилган ва қайта ишланган - Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Харбий-техник институти, 2018. - Б. 128.

Таҳлил қилинаётган ҳолатларни чуқур ўрганишнинг аҳамияти шундаки, жиноят кодекси умумий қисмининг бошқа ҳар қандай нормаси каби охирги зарурат ҳамда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ҳам кодекс Махсус қисми нормаларини қўллаш муаммолари билан чамбарчас боғлиқдир²⁸².

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг охирги заруратдан юқорида санаб ўтганимиздан ташқари бир қанча ажралиб турувчи жиҳатлари бор бўлиб, улар қуйидагиларда кўринади:

Биринчи фарқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишда хавф манбаи фақат ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганлиги учун ушланаётган шахс бўлса, охирги заруратда юқорида таҳлилимизда келтирганимиздек хавф манбаалари турли бўлиши мумкин.

Иккинчи фарқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишда зарар ҳам фақат шу шахсга етказилади, охирги заруратда эса зарар биринчи шахсга ҳам, иккинчи шахсга ҳам ва ҳатто учинчи шахсга ҳам етказилиши мумкин, бироқ учинчи шахсга зарар етказиш ҳолатлари кўпроқ учрайди.

Учинчи фарқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишда ушланувчига етказилган зарар олди олинган зарардан камроқ, тенг ёки ҳатто ундан кўп бўлиши ҳам мумкин бўлса, охирги заруратда фақат кам бўлиши керак.

Тўртинчи фарқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишда мақсад ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига олиб бориш, унинг янги жиноятлар содир этишининг олдини олиш, қочиш ёки далил-исботларни яшириш ёки йўқ қилишнинг олдини олиш бўлса, охирги заруратда каттароқ хавфнинг олдини олиш мақсади кўзланади.

Бешинчи фарқ охирги заруратда зарар етказиш объектив тарзда юзага келган эҳтиёж сифатида кўрилса, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишда зарар шахснинг фуқаролик бурчи ёки хизмат вазифасини бажариши билан боғлиқ субъектив истагидан келиб чиқади.

Олтинчи фарқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни

²⁸²М.Жуманазарова. Охирги заруратнинг жиноят ҳуқуқида тутган ўрни ва аҳамияти. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида профессионал кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари” Конференция материаллари тўплами. Тошкент: ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали, 2022. - Б. 253-259.

ушлаш вақтида зарар етказишда бу ҳуқуқни амалга ошириш натижасида ушланган шахсга етказилган зарар қопланмайди. Фарқли равишда охирги заруратда зарар тегишли тартибда ундирилиши мумкин.

Еттинчи фарқ ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ҳолатида ушланиши мумкин бўлган шахслар доирасига нисбатан чеклов ўрнатилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг ЖПК²⁸³ 223-моддасида депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, судьялар ва прокурорлар ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслар эканлиги белгиланган бўлиб, бу шахслар ушлаб турилиши ҳамда ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси 1-бандига белгиланган ҳолатда, яъни шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушган бўлса, ушлаш ҳуқуқи чекланмайди.

Охирги заруратда эса, бундан фарқли равишда, етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда кам бўлса, хавфни бартараф этиш ҳуқуқи юзага келган бўлаверади. Зарар етказилиши мумкин бўлмаган шахслар доираси охирги заруратда мавжуд эмас.

Профессор *М.Х. Рустамбоев* ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишни ижтимоий фойдалилигини таъкидлаган. Бу фикрни маъқуллаган ҳолда биз ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг ижтимоий фойдалилиги охирги зарурат билан мазкур ҳолатнинг яна бир фарқи саналишини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бизнинг фикримизча, охирги зарурат ижтимоий фойдали бўла олмайди.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ва охирги заруратнинг бир-бирига яқин томонлари ҳақида гапирганда уларда зарар етказиш бундай қилмиш содир этмай зарар хавфини бартараф этишнинг имкони йўқлигидан содир этилади. Яъни, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишда ушланувчини ўзга йўл билан

²⁸³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

ушлашнинг имкони бўлмаслиги, охири заруратда эса хавфни бартараф этишнинг ўзга имкони мавжуд бўлмаслиги керак. Бу уларнинг **биринчи ўхшашлиги** дейиш мумкин.

Уларнинг **иккинчи ўхшашлиги** мазкур икки ҳолатда ҳам бу ҳаракатни амалга ошириш шахснинг ҳуқуқи саналишида ифодаланади.

Биламизки, махсус субъект ҳуқуқ-тартибот объектларига зарар етказишга таҳдид солувчи ҳар қандай хавфнинг олдини олиш, шунингдек юз берган зарар оқибатларини бартараф этиш каби вазифалар хизмат ва касбий бурчи бўлган субъектдир¹. Шундан келиб чиқиб **учинчи ўхшашлик** ҳар икки ҳолатда ҳам махсус субъектлар учун тегишли ҳаракатларни бажариш мажбурият ҳисобланишида кўринади. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи мазкур икки ҳолатнинг **тўртинчи ўхшаш томони** шундаки, уларнинг ҳар иккисида ҳам жиноятнинг айбнинг мавжудлиги каби белгисини расман инкор этиб бўлмайди.

Олтинчи ўхшашлик охири заруратда ҳамда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишда ҳам етказилган зарар зарурий чоралар чегарасидан четга чиқмаган ҳолатда юзага келган бўлиши кераклиги саналади. Н.С. Таганцевнинг таъбири билан айтганда, “ҳар қандай ҳуқуқ ва манфаатлар ҳимоя қилинишининг чегараларига эга бўлиши керак, мазкур чегаранинг бузилиши ҳимоянинг қонунийлигини тақиқлайди”^{284 285}.

Хулоса қилиш мумкинки, охири зарурат ва ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг кўплаб фарқли ва ўхшаш томонлари бўлиб, уларни ўрганмай туриб ҳолатни жиноят-ҳуқуқий баҳолаш имконсиз саналади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жасур, Н. Е. Ё. М. А. Т. О. В., and Феруза СИДИКОВА. "ЖИНОЙИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД ЖАРАЁНИДА СЎРОҚ ҚИЛИШ УСЛУБИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ." ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ 1.1 (2020): 95-103.

²⁸⁴ М.Жуманазарова., Охири зарурат ҳолатида содир этилган қилмишни баҳолашнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари. Юриспруденция ҳуқуқий илмий-амалий журнали. 2022, 2-сон. - Б.133-142.

²⁸⁵ Таганцев Н.С. Русское уголовное право: Лекции. Часть Общая. Т. 1. - М.: Изд. Наука, 1994. - С. 220-221.